



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 15 октябрь, № 215 (3490)

Жума

## Зармитанда зар маскан



Қизилтепа туманидаги «Зармитан» ширкат хўжалиги ҳудудида қад ростлаган Реватун иқтисодий касб-хунар коллежи жорий йилдан фаолият

юрита бошлади. 600 ўқувчи ўрнига эга бу замонавий ўқув масканини қуриш ва жиҳозлаш ишларига 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Айни пайтда мазкур касб-хунар коллежида 375 нафар ўқувчи бухгалтер-аудитор, менежмент, молиячи, компьютер, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, тикувчи ва ҳайдовчилик йўналишлари бўйича билим олмақда. Уларга 82 нафар муаллим сабоқ бераёпти.

**СУРАТЛАРДА:** коллеж кўриниши; ўқитувчи Матлуба Ражабова ўқувчилар билан машғул ўтказайтган пайт. С. ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Парламент назорати

# ҚОНУН — СИФАТГА КАФОЛАТ

Кейинги ўн йилликда ер юзиде инсон соғлиғи учун хавфли бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоси вужудга келди. Шунинг учун ҳам одамларда экологик тоза маҳсулотга талаб ортиб бормоқда. Мамлакатимизда инсон организми учун зарарли маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш мақсадида 1997 йилда «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди.

Ўтган давр мобайнида ушбу ҳуқуқий ҳужжат бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, эндиликда корхоналар маҳсулотини давлат стандарт идораси текширувидан ўтказиб, махсус сертификат олгандан сўнггина уни ишлаб чиқаришга киришяпти. Бу яхши, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни, бугунги кунда бозорларда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари орасида яширин цехларда ишлаб чиқарилган, сифатига ҳеч қандай кафолат бермайдиган маҳсулотлар йўқ эмас, деб ким айта олади? Четдан келтирилатган маҳсулотлар сифатини ҳам соғлиғимиз учун хавфсиз дея оламизми? Кеча Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказган сайёр йиғилишида ана шу саволларга жавоб изланди. Йиғилишда сўнги беш йилда пойтахт бозорлари ва

савдо дўконларида харидорларга кўрсатилаётган хизмат даражаси, шарт-шароитлар тубдан ўзгарганлиги алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, 2000-2004 йилларда Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 158 та қўшма корхона ташкил этилганлиги ҳам қайд қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг озиқ-овқат ишлаб чиқарадиган кичик корхоналари сони ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда.

Юқорида тилга олинган Қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси ўрганилганда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, харид қилиш, сотувга чиқаришда бир қанча ноқонуний ҳолатлар аниқланган. Хусусан, 2003 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида шаҳар давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган 10632 текширишнинг 10542 тасида қонунбузарликлар фож этилган. Шунингдек, яширин тарзда озиқ-овқат маҳ-

сулотлари ишлаб чиқараётган 94 та цех аниқланган. Бундан ташқари, деҳқон бозорлари ва савдо корхоналарида санитария ҳамда ветеринария назоратлари бўлаштириб юборилган. Четдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида гапирганда, генетик модификацияланган товарлар мамлакатимиз ҳудудида кириб келаётганлигини афсус-надомат билан айтиб ўтиш жоиз. Чунки бундай маҳсулот инсон соғлиғи учун катта хавф туғдириб қолмасдан, унинг генига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Қонун ижроси муҳокама қилинган савдо корхоналари ходимлари учун қисқа муддатли ҳуқуқий ва санитария билимини оширишга йўналтирилган ўқув курслари очилди. Махсус таълимнинг таъкидлашлари билан давлат назорати идоралари мутахассислари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириб қолмасдан, балки уларга профилактик жиҳатдан кўмак бериши ҳам Қонун талаби эканлиги эслатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Худойберди ЭШМАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурдаги Урта махсус ва касб-хунар таълими бошқармасида «Фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари институтларининг парламент сайловларидаги роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

## Жамият ва матбуотнинг муштарак мақсади

Унда Қорақалпоғистон Республикасида Қонунчилик палатаси, Жўқорги Кенгес ва маҳаллий Кенгашлар сайловлари тейбегарлик кўришга дахлдор ташкилот ва муассасалар вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатиде БМТнинг Марказий Осиё бўйича Олий Комиссарининг инсон ҳуқуқлари маслаҳатчиси жаноб Р. Мюллерсоннинг «Сайловларни ўтказишда БМТ стандартлари», Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари Ш. Галиакбаровнинг «Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро сайлов стандартлари билан уйғунликда», Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Е. Жуманазаровнинг «Бўлғуси парламент сайловининг Қорақалпоғистон шароитида транспарентлигини таъминлаш тўғрисида»ги маърузалари тингланди.

Янгибоб ҚўЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Босния ва Герцеговина ташқи ишлар вазири Младен Иванич раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Босния ва Герцеговина ўртасида савдо, сайёҳлик, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар икки мамлакатда халқаро кўргазмалар, минитехнологиялар, кичик ва хусусий корхоналар маҳсулотлари армаркаларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎЗА).

## Хабарлар оқимидан

### Янги хизмат тақдироти

«Бритиш айрвейс» авиакомпанияси, мана бир неча йилдирки, Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқда. Мазкур авиакомпания нафақат Европада, балки жаҳонда ҳам йўловчиларга юксак хизмат кўрсатиш ва хавфсизлик борасида етакчи ўринда туради. Дунёнинг барча давлатларида компания хизматларига талаб катта. Жумладан, мамлакатимизда ҳам.

Куни кеча пойтахтимизнинг «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида мазкур авиакомпаниянинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси вакиллари журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда «Янги авлод» деб номланувчи юксак даражадаги кулайлик ва дизайнни ўзиде муассаслаштирган янги хизматлар тақдироти бўлиб ўтди. Бундан ташқари, учрашувда «Бритиш айрвейс» вакиллари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Юнус БУРОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Почтачилар машварати

Ҳар йили Бутун дунё почта уюшмаси ташкил этилган кун боис фарғоналик почтачилар мулоқотга туланишади. Касб байрами муносабати билан бош қовушганда эришилган ютуқлар, галдаги вазифалар ҳақида ҳам маслаҳатлашиб олинади.

Ҳиссодорлик жамияти тарихида илк мартаба почта хизмати кўрсатиш бир миллиард сўмдан ортди, — дейди «Фарғона почтачи» акциядорлик жамияти раиси Солижон Юнусов. — Йилнинг тўққиз ойини соф фойда олиш билан ақунлади.

Анжуманда Нина Ширнова, Хафиза Мирзаева, Зубайда Аъзамова, Шоҳсанам Жўраева, Алсу Хўжаева сингари тиниб-тинчимас хабарчилар номи қайта-қайта тилга олинди. Бу пешкадамлар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обун мавсумида ҳам фаол иштирок этишлари шубҳасиз.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# АЁЛ СИЁСАТ МАЙДОНИДА

Очигини айтиш керак, кейинги пайтларда аёлларга, уларнинг иш фаолиятига ҳуқуқимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўрсатилган ана шу эътибор, билдирилган ишончга кўра, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар иштироки йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Қолаверса, бугун халқаро майдонда ўз ўрнини топиб, дунё сиёсатдонлари томонидан эътироф этилаётган мамлакатимизнинг янги парламентида айнан хотин-қизларнинг ўз ўрни, мавқеи, даражаси бўлиши, табиий.

Маълумки, Иккинчи чақирки Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган эди. Унга кўра, Қонуннинг 22-моддаси «Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камиде ўттиз фоизини ташкил этиши лозим» деган тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Айтиш мумкинки, бу ҳам аслида аёлларга берилган имкониятдир.

Дунё ҳамжамиятида тан олингандек, эркин ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий манбаларидан бири — сайловларнинг ошқора ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилишидир. Бундай дейишимизга сабаб бор, ал-

батта. Негаки, Қонундаги юқорида биз тилга олган ўзгартишларда айнан тенглик тамойилларига риоя этилади. Тўғри, номзодларни кўрсатиш бора-

аёллар ташкил этади. Уларнинг сиёсат майдониде ўз ўрнини мустақам эгаллашларининг сабаби, мақсад ва вазифаларини, шунинг билан бири

ни қўшадилар. Азалий кадрларимиз ҳисобга олинмайдиган қонунларда онанинг, аёл зотининг қарашлари қанчалик муҳим эканлигини исботлаш шартми?!

Кези келганда айтиш жоизки, сайловга бағишланган айрим анжуманларда сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодларнинг ўттиз фоизини аёллар ташкил этиши лозимлиги хусусидаги қоида қизгин муҳокама қилинапти, қўллаб-қувватланмоқда. Қўлчилик ўйлагандек, аёллар сиёсат майдонига тасодифан кириб келмайди. Улар бу майдонда мустақам ўрин эгаллашлари учун сайловолди тадбирларида фаол иштирок этиши, фуқароларни ўз партияси мафкурасига ишонтириши зарур. Гувоҳи бўлганимиздек, бу жараён ҳар бир номзод учун осонлик билан кечмайди. Сайлов имкониятлари, сайлов шартлари барча номзодлар учун баробар. Шундай экан, бўлажак сайловларнинг адолатли ва ошқора тарзда ўтишига шубҳа йўқ.

Зиёда АШУРОВА.

## Бу — долзарб

сида аёлларга алоҳида эътибор қаратилмапти. Бироқ бу дегани сиёсий партиялардан кўрсатиладиган номзодлар аёл киши бўлса, эртага у сўзсиз депутатликка сайланади, дегани эмас. Айни шу ҳақиқатни англаб етиш эса биз учун, номзодларни кўрсатувчи сиёсий партиялар учун, қолаверса, сайланувчилар учун ҳам муҳимдир.

Маълумотларга қараганда, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бўлмиш АҚШ парламентининг 13 фоизини

одамларга хизмат қилиши шарт бўлган амалий манфаатларни бошқаларга тўғри кўрсата олганидир. Таъкидлаш жоизки, юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаолигини ошириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар бўлажак сайловда уларнинг парламент палаталарида салмоқли ўрин эгаллашларига замин яратади. Қолбуки, улар давлатимиз ривожига асос соладиган мукамал қонунлар қабул қилишда халқнинг ишонган вакили сифатида ўз ҳиссалари-

## РЕКЛАМА УЧУН ... ЖАРИМА

Сифатли маҳсулот рекламага муҳтож эмас, деган ибора бугунги кунда бироз эскирди. Теъдор замон ҳар бир соҳадан шунга монанд ҳаракат қилишни талаб этаётир. Бу эса реклама бозорининг жадал ривожланишига йўл очмоқда.

Бугун реклама маҳсулот ёки хизматлар ҳақидаги оддий хабар эмас, балки истеъмолчида яхши таассурот қолдирадиган мазмун ва моҳият касб этаётир. Лекин рекламанинг энг муҳим жиҳати унинг жимжимдорлигида бўлмай, балки қонунга мослигидадир.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонунда маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчига зарар етмаслиги белгилаб қўйилган. Чалғитадиган, ёлғон ёки ноаниқ

маълумотлар тарқатилиши қатъиян тақиқланади. Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ходимлари ушбу қонун ижросини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда мониторинг олиб бораёпти. Истеъмолчига нотўғри ахборот ташкил этаётганларга нисбатан қонуний чоралар қўрилмоқда.

«Автоцентр» масъулияти чекланган жамияти томонидан тарқатилган «LG кондиционерлари дунёда биринчи ўринда туради» мазмундаги рек-

лама юзасидан суриштирув олиб борилди. «Автоцентр»да ўзи реклама қилаётган маҳсулотнинг жаҳонда биринчи ўринда туришини тасдиқловчи ҳужжат йўқ экан. Истеъмолчиларни асосиз чалғитгани учун «Автоцентр» масъулияти чекланган жамияти энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдориде жарима тўлашга мажбур бўлди.

Бошқарма томонидан жорий йилда ўтказилган 32 мониторинг натижасида рекламага оид қонунчиликни бузган айбдорларга нисбатан 16 миллион сўмдан кўпроқ жарима солинди.

Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.



«Халқ сўзи» назоратида

## Тегишли кўрсатмалар берилди

Газетамизнинг шу йил 13 август сониде эълон қилинган «Кимиз қани, сут қани?» сарлавҳали мақолада мулоҳаза учун шундай фикрлар баён этилган эди: «Вилоятда сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш меъёрлари — жон бошига бир йилга 211 кг дан ва бир кунда 660 гр данга тўғри келади. Бу — яхши кўрсаткич. Лекин... озиқ-овқат дўконларида сут ва сут маҳсулотлари тақчил. Ҳатто шаҳар дўконларидан ҳам кефир ё қаймоқ тополмай қолиш ҳеч гап эмас...»

Мазкур мақола юзасидан яқинда Термиз шаҳар ҳокими А.ЧОРИЕВ имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда, жумладан, шундай дейлади: «Термиз сут» масъулияти чекланган жамияти шу йил давомида вилоят

соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари, ҳарбий қисмлар, савдо корхоналари ва бошқа ташкилотлар билан 242393,5 минг сўмлик тайёр сут ва сут маҳсулотлари етказиб бериш учун шартнома тузган. Ўтган саккиз ой давомида 72043,0 минг сўмлик тайёр сут ва сут маҳсулотлари етказиб берган.

Шаҳар ҳудудида жойлашган савдо, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларига «Термиз сут» масъулияти чекланган жамияти билан ўзаро шартнома тузган ҳолда сут ва сут маҳсулотларини олиш бўйича тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинган».



## Футболчиларимиз зарари

Иккинчи саралаш гуруҳи етакчилари — Ўзбекистон ҳамда Ироқ миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашувда 2:1 ҳисобида зафар қучган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 13 очко жамғариб, мuddатидан олдин саралаш босқичининг финал қисмига йўлланма олди.

Энди терма жамоамиз гуруҳдаги сўнги учрашувни 17 ноябрь кунини Тошкентда Хитой Тайпейга қарши ўтказди.

# САЙЛОВ ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Ўзбекистонда сайлов кампанияси ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш масалалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbир Миллий Демократик институт ва Халқаро Республика институти (АҚШ), шунингдек "Фридом Хаус" ҳуқуқни муҳофаза қилувчи халқаро ташкилот ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Махалла", "Нуроний" жамғармалари ва бошқа ноҳукумат ташкилотлар, сиёсий партиялар, Адлия вазирлиги вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбати қатнашчилари очик фикр алмашув давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институти янада ривожлантириш, қонунчилик ҳокимиятини ислохот қилиш, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш, мамлакатда кўп партияли тизимни такомиллаштириш ва бошқа долзарб масалаларни муҳофаза қилдилар.

Сўзга чиққанлар юртимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва давлат қурилиши соҳасида рўй бераётган ижобий жараёнларни алоҳида қайд этдилар. Америкалик экспертларнинг

фикрича, ижтимоий-сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида соғлом рақобат ортмоқда, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга жавоб беради ҳамда фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органиларини шакллантиришда кенг иштирок этиши учун шароит яратди.

Шу билан бирга, таъкидландики, сайлов кампаниясини ташкил этиш ва ўтказишда, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида биргаликда кўриб чиқиш ва ўрганиши тақозо этилган айрим масалалар ҳам бор.

Сайловлар жараёнида оилавий овоз бериш ва расмийлик каби ўтмишдан қолган асоратлар ҳали тўла барҳам топмаган.

Сайловчилар билан ишлашни янада такомиллаштириш лозим. Сайловчиларнинг ҳуқуқларини батафсил тушунириш, сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини

рени, сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини оммага атрафли рақобат ортмоқда, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунчилиги халқаро меъёр ва стандартларга жавоб беради ҳамда фуқаролар давлат ҳокимиятининг вакиллик органиларини шакллантиришда кенг иштирок этиши учун шароит яратди.

Оммавий ахборот воситалари сайлов кампаниясини ёритишда кенг ва фаол иштирок этиши борасида ҳам талай ишлар қилиниши керак. Сайловларнинг ошқора ва демократик руҳда ўтиши кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари вакилларининг маҳорати, ҳолислиги ва фаолиятига боғлиқ.

Давра суҳбатида сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказишда, янги — икки палатали парламент фаолиятини ташкил этишда, сайловчилар билан ишлашни янада такомиллаштиришда ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси муҳим аҳамият касб этиши мумкинлиги таъкидланди.

(ЎзА).

## Эзгу амаллар мавсуми

Кеча Ўзбекистон мусулмонлари идорасида "Ўзбекистонда Рамазон ойи ва ҳайитини нишонлашда мусулмонларга яратилаётган шарт-шароитлар" мавзусида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Маълумки, бугундан мусулмонлар учун муборак бўлган Рамазон ойи бошланди.

Муштақлик йилларида бошқа диний-миллий қадриятларимиз қатори Рамазон ва Қурбон ҳайитлари каби ислом динида улуғланган амаллар юртимиз мусулмонлари ҳаётида ҳам ўз ўрнини топди. Хар икки ҳайит байрамлари дам олиш кунлари деб эълон қилинган.

Президентимиз таъкидлаганидек, муштақликнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гоёт улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Республикаимиз мусулмонлари ҳаж ва умра сафарига бориб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Айни кунларда ҳам бир қатор ватандошларимиз Макка ва Мадина шаҳарларида

умра амалларини бажариш билан машғулдилар.

Барча мусулмонлар рўза ойини алоҳида интиқлик билан кўтиб оладилар. Азалдан, Қуръони карим нозил бўлган ушбу ойда уруш-жанжаллар тўхтаган, ихтилофдаги томонлар ўзаро ярашганлар. Ихлос билан қилинадиган ибодатлар билан бир қаторда, муҳтож ва ноқорларга алоҳида муруват кўрсатилган. Хусусан, 2004 йил Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши тўғрисида республикамизда кенг қўламли хайрия тadbирлари олиб борилмоқда. Айниқса, савобли амалларни бажаришда ушбу муборак ойнинг таровати, шуқуқи ва барокатлари ўзига ҳосдир.

Рўза шундай беназир ибодатларининг кирадикли, унинг замирида инсоннинг иродасини муштақамлаш, руҳдан ва ахлоқдан тарбиялаш, сабру қаноатга ўргатиш каби мақсадлар ётади. Анжуманга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари юртимизда диндорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда ўзларини қизиқтирган масалаларда тўлиқ маълумот олдилар.

**Маъжид ЖОНИҚОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.



Кейинги йилларда бутун мамлакатимизда бўлгани сингари Бухоро вилоятида ҳам халқаро ва ички йўллар қуриш ва таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Бухороавтоўл» шўъба корхонаси йўлсозлари жорий йилнинг 8 ойида 3 миллиард 872 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширди. Йўл ва йўлқаларга 35 минг тонна асфальт-бетон ётқизилди. 23 километрдан зиёд пиёдалар йўлқалари таъмирланиб,



## Йўл олс, лекин равон

802 донга йўл белгилари ўрнатилди.

**СУРАТЛАРДА:** Бухоронинг равон йўллари; «Бухороавтоўл» шўъба корхонасининг бош мутахассиси Баҳо Ёдғоров грейдерчи Олим Каримов билан қилинажаси ишлар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

## Суд — ҳуқуқ ислохоти

**Юртбошимиз ташаббусига кўра, 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун жамият манфаатлари йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият деб тан олинган давлат учун аҳамиятга молик бу ҳужжат жиноят ҳуқуқи ва процессида репрессив услубларни махсимал қисқартириш, аини пайтда адолат ва инсонпарварлик принципларини кучайтириш концепциясига асосланган.**

Жиноят кодексининг муайян моддаларига мувофиқ тергов органи ва суд, қилмиш ёки шахс ижтимоий ҳаётининг йўқотгани ёки айбдор ўз қилмишига чин қўнғилдай пушаймон бўлгани муносабати билан уни жавобгарликдан ва жазодан озод қилиши мумкин. Мазкур қонун амал қила бошлаганидан кейин давлат органилари унда белгиланган қонунларни изчил жорий этиши лозим ва шарт. Бироқ баъзан амалиётда иктисодиётга

алоқадор ишлар бўйича биринчи марта жиноий қилмиш содир этган ва келтирилган зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан қонуннинг бу банди қўлланилмаётгани ҳолатлари учрамоқда.

Жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2003 йил 14 январдаги ҳукмига асосан мактаб директори вази фасиди ишлаб келган Р.Шодмонов ўқитувчи Сафаровга меҳнат таътили учун тўламини лозим бўлган 48.889 сўм пулни ҳужжатларни қалбақлаштириш йўли билан ўзлаштирилганлиги учун ўл ахлоқ тузатиш иши жазосига судланган. Суд Шодмоновнинг биринчи марта жиноят содир этганилиги, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган мулкый зарарини тўлиқ қоплаганигини, ижобий тавсифланганигини, ўн йилдан бундан мактаб директори лавозимидан ишлаб келгани ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 71-моддасини қўллаш масаласини муҳофаза қилган.

Олий суд раҳбарияти томонидан келтирилган протестга асосан мазкур жиноят иши қайта суд тафтиши-ятлар туркумига кирувчи 8 турдаги Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 173, 175, 180, 181, 184-моддалари назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан, улар томонидан моддий зарар қонунда белгиланган миқдорда қопланган тақдирда, озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилиши истисно этилди.

Суднинг ҳукми билан 2002 йилда отаридаги 3.350.000 сўм миқдордаги чорва молларини ўзлаштирилганликда айбланиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган тоқмоқлик чўпон Талгат Агуосовнинг жиноят иши 2003 йил 9 январда Навоий вилоят судида қассиз жазо тартибида қўрилганда, етказилган мулкый зарар кейинчалик суд жараёнида қопланганиги эътиборга олинган, озоликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилди ва у қамқондан озод этилди.

Маълумки, юқоридаги қонун талабларини қўриб чиқиб, судлар иктисодиёт соҳасида жиноят содир этган шахсларга жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий оқибатларини тўғри

шахслар бевосита суд залида қамқондан озод этилди. Суд статистикаси маълумотларига кўра, либераллаштириш тўғрисидаги қонун амалга киритилган вақтдан бундан умумий судланганларга нисбатан қўлланилган жазо турлари орасида озоликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларнинг салмоғи йилдан-йилга камайиб бораёпти.

Чўноччи, озоликдан маҳрум қилиш жазоси 2000 йилда 47,2 фоиз маҳкумларга нисбатан қўлланилган бўлса, бу жазо 2001 йилда 39,7 фоиз, 2002 йилда 32,1 фоиз, 2003 йилда 32,1 фоиз, жорий йилнинг яримида эса 27,1 фоиз маҳкумларга нисбатан қўлланилган.

Иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга оид ишлар ўзининг кўп қирралиги, қўламини, мураккаблиги ва долзарблиги билан доимо ажраллиб туради. Шу боис ушбу тоифадаги жиноят ишларини қўриб чиқиш амалиёти Олий суд томонидан вақти-вақти билан умумлаштирилиб борилади.

Жумладан, иктисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича суд амалиёти Олий суд Пленуми 1998 йил 17 августдаги Қонуннинг иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида республика Олий суди 2004 йил 21 майда «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари» ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур Пленум қарори иктисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни қўриш пайтида қонунни қўллаш, жумладан, жиноятларни квалификация қилиш, жазо таъинлаш ҳамда зарарни ўндиртириш масалаларида аниқ ва равшан тушуниришлар берди.

апрелдаги мажлисида муҳофаза қилиниб, тегишли қарор қабул қилинган. 2002 йил 25 октябрда тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, 2003 йил 6 июнда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти қўриб чиқилган.

Либераллаштириш тўғрисидаги қонуннинг ҳаётга татиқ этилишини ўрганиш чоғида амалиётда муаммолар борлиги ва уларни бартараф этиш зарурати тўғрисида Олий суд қўриш судлар томонидан 2003-2004 йиллар мобайнида кўриб чиқилган жиноят ишларини ва материалларни умумлашма асосида ўрганиб чиқди.

Юқорида қайд этилган жиноят ишларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги Қонуннинг иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида республика Олий суди 2004 йил 21 майда «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иктисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари» ҳақида қарор қабул қилди.

Мазкур Пленум қарори иктисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни қўриш пайтида қонунни қўллаш, жумладан, жиноятларни квалификация қилиш, жазо таъинлаш ҳамда зарарни ўндиртириш масалаларида аниқ ва равшан тушуниришлар берди.

Хуллас, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохоти, аввало, инсон манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу борада иктисодиёт жабҳасида ўзгаришлар одил судлов сиёсатининг амалдаги намунаси.

**Норкуват ЯНГИБОЕВ,**  
Ўзбекистон Республикасининг Олий суди судьяси.

# ВАЪДАЛАР ҚУЮҚ — ИЖРОСИ ЧАТОҚ

**Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор иктисодиётига ўтиш ҳамда уни чуқурлаштиришда энг муҳим йўналиш — бу корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдир. Мамлакатимизда ҳам бу соҳадаги ҳаракатларга истисноликни қўлга киритган пайтдан бошлаб киришилди. Яъни, 1991 йилда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.**

Шу билан бирга, ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ўсиш тамойиллари, уларга бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди.

Хусусий корхоналар тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи назаридан мустақамланди. Тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди.

Ишбилармонларга яратилган қўлай шарт-шароит, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, солиқ ва боғнона тўловларини имтиёзлар тўғрисидаги жамиятда мулкдорлар синфи шаклланди. Шунингдек, мамлакатимиз иктисодиётига четдан қўшилаётган инвестициялар салмоғи ортиб, юзлаб хорижий сармоядорлар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этилди.

Маълумки, давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Жумладан, савдога қўйилган ҳар қандай мулк аукцион, танлов ёки тендер савдолари орқали сотилади. Албатта, олди-сотида битимлари имзоланаётганда (аукцион савдоларидан ташқари) унга маълум шартлар ҳам киритилади. Яъни, қўрсатилган муддатга

қадар ишлаб чиқариш турини ўзгартмаслик, қўшимча қўшимча ишни ўрни яратиш, келгусида қорхонани ривожлантиришга қаратилган инвестиция киритиш каби мажбуриятлар янги мулк эгаси зиммасига юкланади.

Таъкидлаш керакки, қўллаб хусусий қорхона эгалари белгиланган бизнес режа бўйича фаолият юритиб, нафақат фойда, даромад қўраётти, балки эл-юрт маъмуричилигига ҳам ҳисса қўшмоқда. Бундан-да муҳими, чилги чилгидан ранг олади, деганларидек, уларнинг сафи кундан кунга ошиб бораёпти. Шу билан бирга, мулк шакли ўзгарган «энди ўзимники бўлди, ундан хоҳлаганимча фойдаланаман» қабилида иш юри-таётган кишилар борлигини ҳам таассуф билан айтиб ўтиш жоиз. Пойтахтимиз ҳамда вилоятлардаги айрим иншоотлар хусусийлаштирилганда сал ўтмай миллиардхонага, тўнги қўшларга айлиб кетгани, бунинг оқибатида аҳоли ўртасида турли норизоликлар

келиб чиққани бунга мисол бўла олади. Халқимизда «Дарёда сув билан бирга хас-хашак ҳам оқади» деган нақл бор. Шу маънода

### Бугунинг гапи

"Тadbиркорман, унча-мунча сармоман ҳам бор" деб, йўқ хирмондан хосил инъом қилувчилар ҳам йўқ эмас.

"Ўзбекенилсанонат" давлат акциядорлик компанияси билан имзоланган шартномага кўра, "Квик Стоп холдинг ЛТД" компаниясига "Бувайда" акциядорлик жамиятининг 64 фоиз акцияси 520000 АҚШ долларига сотилди. Ўз навбатида хорижий компания шартнома бандларида қайд этилган бир қатор инвестицион мажбуриятлар ҳам олди. Жумладан, қорхонани ривожлантиришга қаратилган 5 миллион АҚШ долларига қўшимча инвестиция киритиш, шунингдек, қорхонанинг аввалги қарзларини ўзиш ҳам унинг зиммасига юкланди.

Хомашё сөрөб, ишчи кучи нисбатан арзонлигини қўриб қолиб қолган инвестор, афтидан, фақат фойда олишни қўзғалади-ю, ҳамёнида қанча пули борлигини унутди, чоғи. Чўнки компаниянинг 519,9 минг АҚШ долларини миқдоридан сармома киритишга қуввати етди, холос.

Вақт — бу пул. Компания эгалари эса нимагадир буни хис этмади. Йўқса, шартномага кўра белгиланган муддатда

айтилган сумма тўланмаса, у пеня тўғишини" англаб етишарди.

Хар тарафини ўйлаб биринчи тараф иккинчи томонга бироз ён босди. Яъни олиб борилган музокараларда қўшимча шартнома тузишга рози бўлди. Бироқ, хорижий компания шартнома муддатини бузгани учун 260 минг АҚШ долларидан пеня тўлаши, қолган 5 миллион доллар миқдоридан инвестицион мажбуриятини белгиланган муддатда бажариши лозимлиги ҳусусида шартлашилди.

Кун кетидан кун ўтаверди. Бу орада қорхона буткул тўхтаб қолди. Юзлаб одам вақтинча бекорчига айлиниб, пировардда, турли идораларга

шикоятбозлик авж олди.

Хорижий инвестордан эса ваъда қилинган сармомадан дарақ бўлмади. Охир-охибатда шартномани бекор қилишдан бошқа чора қолмади. "Pezinotexnika" очик турдаги акциядорлик жамияти бошидан ҳам шунга ўтлаш воқеа юз берди. Sanital CigaretteTrading LLC компанияси (Бирлашган Араб Амирликлари) жамиятининг 51 фоиз акциясини сотиб олши бўйича шартнома имзоланди. Лекин инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилганга қадар ушбу акциялар пакети унга фойдаланишга тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилди.

Адлия вазирлигининг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан 2003 йил 23 майда "Pezinotexnika" акциядорлик жамияти "Capital Subber Inbuzty" хорижий инвестиция иштирокидаги акциядорлик жамияти сифатида рўйхатга олинди. Бироқ, кейинги жараёнлар иш бошланди-ю, ташланди, қабилида кечди. Sanital CigaretteTrading LLC компанияси томонидан шартнома шартларида қайд этилган акциялар пакети учун тўловлар ва инвестиция мажбуриятлари бажарилмади. Орадан анча вақт ўтди. 2004 йилнинг 27 августидан шартномани бекор қилиш бўйича то-


монлар ўртасида қелишув тузилди.

Қанийди, шу билан иш битса. Қорхонани қайтадан давлат рўйхатидан ўтказиш, мол-мулкни хатлаш, акциялар бажарини бошқатдан нархлаш... Албатта, бу юмушлар бир, икки кунда битадиган иш эмас. Бу ҳам майли-я, ўтган фурсат давомида катта бир қорхона "ўлик жон" сифатида фаолиятсиз ётганини тасаввур қилишнинг ўзи оғир.

Яна бир мисол. "Сурхондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли 25 фоизли акциясини Туркиянинг "Улуғ Туркистон" фирмаси сотиб олши ҳусусида тўмонлар ўртасида 2004 йилнинг 18 май кун 18/32-сонли шартнома имзоланди. Унга кўра баҳоланган акциялар учун 220763 АҚШ долларини миқдоридан маблағ ўтказиш, бунга қўшимча 2004-2006 йилларда акциядорлик жамиятини ривожлантиришга 100 000 АҚШ долларидан сармома киритиши лозимлиги шартнома шартларида қўрсатиб ўтилади. Бироқ, инвестор томонидан 132 минг АҚШ долларидан анча камроқ маблағ ўтказилди. Афсуски, амалда бундай бўлмади.

Ҳўш, иккинчи томончи? Албатта, инвесторлар билан боғланишга, қўшимча музокаралар олиб боришга ҳаракат қилмоқда. У самара берадими, йўқми, бунга эса вақт қўрсатади.

**Сандолм ҲАЙДАРОВ,**  
"Халқ сўзи" мухбири.



## Ассосиз қарор бекор қилинди

Яккабоб тумани Чойдари қишлоғида яшовчи Б.Турсоатов ва Б.Зиқуватовлар тахририйга келиб, ҳовлиларидан мол ўғирлангани, бу ҳамда мутасадди ташкилотларга қилинган муросжатларга эътиборсиз қолганидан шикоят қилишди. Мазкур шикоят хати юзасидан Қашқадарё вилоят прокурори ўринбосари адлия маслаҳатчиси М.КАРИМОВ имзоси билан расмий жавоб олди. Унда таъкидланишича, жиноят иши ўрганилганда, жабрланувчиларнинг аризаларидаги вақтарга тўлиқ текширилмаганлиги, иш бўйича жиноятларни фоти эштишга қаратилган тезкор-қидирув ҳаракатлари сифатсиз олиб борилиб, жиноят иши терговини ҳаракатдан тўхташ ҳақида ассосиз қарор қабул қилинганлиги аниқланган.

Вилоят прокуратураси томонидан вилоят ИИБ ТБ терговчиси милиция капитани Х.Ризақуловнинг жиноят ишини ҳаракатдан тўхташ ҳақида чиқарган қарори ассосиз бўлганлиги сабабли у бекор қилинган ва жиноят иши қўшимча тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун Яккабоб туман прокуратурасига юборилган.



тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини назарда тутилган ҳаҷмларда етказиб берилишини таъминлаши;

ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя этиши;

сув ресурсларидан сўвдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши;

хўжалик ичидagi мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши;

ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шартларини таъминлаши;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**18-модда. Фермер хўжалигининг устав фонди**

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади.

Пул, қimmatли қозғолар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланган мулк қўшқлар фермер хўжалигининг устав фондига қўшилган ҳисса бўлиши мумкин.

Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улуши ёки биргаликдаги) мулк ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча муқдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондига қўйиштириш ва қайтариш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига қўйиш билан амалга оширилади.

**19-модда. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи**

Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва қўчаторлари, дов-дарактлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирилган маҳсулотни, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

муассасаси ва ташкилоти ваколатли органининг ҳамда туман ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан, шунингдек ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини қўриб қувчи вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегаралари натуранда (жойнинг ўзидан) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланади.

**12-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари**

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиб ва фермер хўжалигини мустақил юритиш истagini билдирган аъзолари кооператив (ширкат) устасига биноан ўзларига тегишли мулк пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) улуш олишга ҳақли, улушининг миқдори кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатдаги иштироки инobatга олинган ҳолда аниқланади. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда ижарага олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасининг ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

**13-модда. Ердан фойдаланиш**

Фермер хўжалигининг ер участкасига эғалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олд-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижасида янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ**

**«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 86-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқланган (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**  
**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2004 йил 26 август.

шахсларининг ва фуқароларнинг байгоний ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятини белгиланган тартибда амалга оширади.

**23-модда. Фермер хўжалигидаги меҳнат**

Фермер хўжалиги (иш бевуви) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиғи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнат фаолияти ҳисобини олиб бориш хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига қўра пул ҳамда натура тартибда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ва ходимлари давлат ижтимоий сўғуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

**24-модда. Маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби**

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва jismonий шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотнинг экспортга етказиб берилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**25-модда. Фермер хўжалигининг биргаликдаги фаолияти**

Фермер хўжаликлари иштиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агротехика, маҳсулат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиши бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкин.

**26-модда. Фермер хўжалигини кредитлаш ва сўғурталаш**

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда

Фермер хўжалигининг устасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

Фермер хўжалигининг номи;

Фермер хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

Фермер хўжалигининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;

Фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

устав фонднинг миқдори.

Фермер хўжалигининг устасида қонун ҳужжатларига эид бўлмаган бошқа қондалар ҳам бўлиши мумкин.

**III. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЮРИТИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ БЕРИШ. ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**10-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари**

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари: захира ерлардан;

юридик ва jismonий шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансида чиқарилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юрталари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларида берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш оз метрли минтақада фаолият ҳайвонларини (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни), балқилар, асалариларни, ҳайвонот болғари ҳамда виварийларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) қўлай-

Чорвачилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги қамида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Анджион, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида сўғурладиган ерларда қамида 0,3 гектари, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида сўғурладиган ерларда қамида 0,45 гектари, сўғурламайдиган (лаъликор) ерларда эса қамида 2 гектари ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулотини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галличилик учун қамида 10 гектари, богдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун қамида 1 гектари ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг дастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

**6-модда. Фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби**

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлина алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва устасини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

**7-модда. Фермер хўжалигини давлат тўғрисидаги олиш**

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатида олинган пайдадан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганда кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ваарағи ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган мурғра эга бўлишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устаси қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**8-модда. Фермер хўжалигининг устаси**

Фермер хўжалиги устаси асосида фаолият кўрсатади. Фермер хўжалигининг намунавий устаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**9-модда. Фермер хўжалиги устасининг мазмуни**

иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганда;

Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасиндан белгиланган мақсадда фойдаланганда, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинларини экананда ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинади.

**33-модда. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби**

Фермер хўжалиги:

Фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**34-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фермер хўжалигининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

**35-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик**

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тугатишдан контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини назарда тутилган ҳаҷмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича узига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиялар жавобгар бўлади.

Ҳодимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблаг бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

**36-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Швейцария кўмағида**

Хонободаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежидан асосан «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси учун мутахассислар тайёрланади. Коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиёти мазкур корхона цехларида ўтказилади. Янгида ўқув даргоҳида электроника ва автоматлаштирилган линиялар учун тайёрлов курси очилди. Бу Швейцария ҳуқмати томонидан молиялаштирилган «Касбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳасида кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа Анджион шаҳридаги ижтимоий хизмат, кичик ва хусусий тадбиркорлик коллежларида ҳам амалга оширилади.

«Туркистон-пресс».

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Фавқуллода вазиетлар вазирлиги ҳамда «Экосан» экология ва саноатли халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ана шу санга бағишланган тадбир ўтказилди.

Мамакатимизда юз бериши мумкин бўлган фавқуллода вазиетлар, табиий офатларни бартараф этишнинг тезкор чора-тадбирлари ишлаб чиқилгани таъкидланди. Айни пайтда бу борада аҳоли, айниқса ёшлар ўрта-

**МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН**

**Katris**

**ФИРМАСИ**

**МЕБЕЛЬ**

**Ишлаб чиқаради ва сотади.**

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

**МУҲИМ САНАГА БАҒИШЛАНДИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига биноан 2001 йилдан бунён хар йили октябрь ойининг иккинчи чоранбаси Халқаро табиий офатлар хавфини камайтириш кўни сифатида нишонланади.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Фавқуллода вазиетлар вазирлиги ҳамда «Экосан» экология ва саноатли халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ана шу санга бағишланган тадбир ўтказилди.

Мамакатимизда юз бериши мумкин бўлган фавқуллода вазиетлар, табиий офатларни бартараф этишнинг тезкор чора-тадбирлари ишлаб чиқилгани таъкидланди. Айни пайтда бу борада аҳоли, айниқса ёшлар ўрта-

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

Телефонлар: Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!**

**Ишлаб чиқарувчи ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.**

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

**ЭЪЛОНЛАР**

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**136-09-25**  
**132-10-63**  
242-хона  
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари меҳнат фахрийси, педагогика фанлари номзоди, доцент **Муҳаббат ДАМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Ўзбекистонда демократик жамият қуриши назарияси ва амалиёти» кафедраси катта ўқитувчиси **Мухаббат Сайрамонова ҚОРИЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Митбуғочилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Навбатчи — М. Жонхонов.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббеков.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси** босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ў.А. Якуни — 21.00. Тошпириди — 21.00.

**Халқ сўзи**

**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Баш муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбаров, А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г — 1167, 21502 нусхада босилди, ҳақли — 2 табук. Офсет усулида босилган.  
Қорол бичими А-2

Газета ИВМ компьютерида терезидан ва операторлар Жамшед Тоғев ва Баҳодир Файзиёва томонидан саҳифаланди.

Тахририятда ҳақини 5 қорондан эид материаллар қабул қилинади.  
(1) Тижорат матбуоти

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ў.А. Якуни — 21.00. Тошпириди — 21.00.